

АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

АЛИМЖОН АБДУАЛИЕВИЧ МАХМУДОВ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотлар, стратегиялар ва механизмлар хусусида батафсил муҳокама қилинган. Давлат раҳбарининг 2025 йил 20 октябрдаги фармонига асосан, соҳада янги стандартлар, профилактика тадбирлари ва давлат назоратининг самарали механизмларини амалга ошириш кўзда тутилган. Мақолада, аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилишнинг устувор йўналишлари, инновацион технологиялар ва дуал таълимга асосланган кадрлар тайёрлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, профилактика чораларининг «маҳаллабай» тартибда жорий этилиши ва хавф манбаларига асосланган ҳудудларни таснифлаш тизими каби муҳим механизмлар ўрганилган. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишдаги ҳуқуқий тартиб, кадрлар тайёрлаш ва соҳавий ҳамкорликнинг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтилган.

Таянч сўзлар: Фавқулодда вазиятлар, профилактика тадбирлари, инновацион технологиялар, давлат назорати, қонуний тартибга солиш, маҳаллабай профилактика, хавф манбалари, замонавий стандартлар, дуал таълим.

ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И МЕХАНИЗМЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ЗАЩИТЫ НАСЕЛЕНИЯ И ТЕРРИТОРИЙ ОТ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ

Аннотация. В статье подробно рассматриваются реформы, стратегии и механизмы Республики Узбекистан в области защиты населения и территорий от чрезвычайных ситуаций. В соответствии с указом Главы государства от 20 октября 2025 года предусмотрено внедрение новых стандартов, профилактических мер и эффективных механизмов государственного контроля в этой области. Особое внимание уделяется приоритетным направлениям защиты населения и территорий, инновационным технологиям и системе подготовки кадров на основе дуального образования.

Также изучены важные механизмы, такие как внедрение профилактических мер в виде «махаллабай» и система классификации территорий по источникам опасности. Обсуждается также важность правопорядка, подготовки кадров и отраслевого сотрудничества в защите от чрезвычайных ситуаций.

Ключевые слова: Чрезвычайные ситуации, профилактические меры, инновационные технологии, государственный контроль, правовое регулирование, махаллабай, источники опасности, современные стандарты, дуальное образование.

PRIORITETNYYE NAPRAVLENIYA I MEKHAIZMY OSUSHCHESTVLENIYA ZASHCHITY NASELENIYA I TERRITORIY OT CHREZVYCHAYNYKH SITUATSIY

Abstract. *This article examines in detail the reforms, strategies, and mechanisms of the Republic of Uzbekistan in the area of protecting the population and territories from emergency situations. The decree of the Head of State of October 20, 2025, provides for the introduction of new standards, preventive measures, and effective state control mechanisms in this area. Particular attention is paid to priority areas for protecting the population and territories, innovative technologies, and a system of personnel training based on dual education. Important mechanisms, such as the introduction of preventive measures in the form of "mahallabai" and a system for classifying territories by hazard sources, are also examined. The importance of law and order, personnel training, and industry cooperation in emergency protection is also discussed.*

Keywords: *Emergencies, preventive measures, innovative technologies, state control, legal regulation, mahallabai, hazard sources, modern standards, dual education.*

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПФ-185-сонли Фармонига асосан мамлакатимизда аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилишда илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда илмий-техник ёндашувлар асосида самарали профилактика ва давлат назоратининг янги механизмларини йўлга қўйиш ҳамда соҳага замонавий рақамли ечимларни жорий этиш бўйича миллий тажрибани яратиш мақсадида ушбу соҳадаги ислохотларнинг бир қатор устувор йўналишлари белгиланди [1].

Жумладан, ҳудудларда фавқулодда вазиятларнинг барвақт олдини олиш ва оқибатларини камайтириш фаолиятини устувор вазифа сифатида қабул қилиш орқали маҳаллалар даражасида кенг қамровли профилактика механизмларини яратиш ва самарали татбиқ қилиш, энергетика, йирик ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфни бошқариш, техноген аварияларни ўз вақтида бартараф этишнинг янги стандарт ҳамда методикаларини ишлаб чиқиш ва фавқулодда вазиятлар шароитларида ҳаракатланиш амалиётида йўлга қўйиш, фавқулодда вазиятлар йўналишида давлат назорати шаклларида талаблари ҳамда меъёрларини замон талабларига мос равишда қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини трансформация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини белгилаш шулар жумласига кирилади.

Мазкур Дастуруламал ҳужжатга кўра, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимининг инсон қадрини таъминлаш (инсон ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги), профилактик тадбирларнинг устуворлиги, ошкоралик ва шаффофлик, ҳамжиҳатликда самарали ҳаракатланиш, сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўймаслик каби принциплари белгилаб берилди.

Шу жиҳатдан фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фавқулодда вазиятларда аҳоли ва ҳудудларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш бу аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали қонун билан белгиланган нормалар ва қоидалар йиғиндиси деб таъриф бериш мумкин.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги хусусиятларга жавоб беради:

1. Ушбу соҳадаги ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий тартибга солишнинг бир тури бўлиб, у ҳаётнинг турли соҳаларида, жумладан, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни тартибга солишни ўз ичига олади;

2. У мақсадга йўналтирилган - ижтимоий муносабатларни тартибга солишга, уларни ҳимоя қилишга ва ҳимоя қилишга, юридик шахсларнинг бузғунчи хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини сиқиб чиқаришга ва блокировка қилишга ҳамда ижтимоий ривожланишни рағбатлантиришга қаратилган;

3. Ҳуқуқий тартибга солиш орқали субъектлар ўртасидаги муносабатлар дастлаб давлат-ваколатли хусусиятга эга бўлган ўзига хос ҳуқуқий шаклларга эга бўлади. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти, бир томондан, қафолатланган мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар турлари ва доирасини белгилашдан, иккинчи томондан, зарур бўлган хатти-ҳаракатлар турлари ва доирасини белгилашдан иборат;

4. Ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос хусусиятга эга, чунки у ҳар доим реал ҳаётдаги муносабатлар билан боғлиқ;

5. Ҳуқуқий тартибга солиш мақсадли - юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини қондиришга қаратилган [2].

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бу инсонларни, мол-мулкни, табиатни ва инфратузилмани фавқулодда вазиятлардан (масалан, табиий офатлар, технологик авариялар, ҳарбий ҳолатлар) ҳимоя қилиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимидир.

Бу тизимга кириш мумкин бўлган асосий элементларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Фавқулодда вазиятларнинг аниқланиши - қандай вазиятлар фавқулодда деб ҳисобланади ва уларнинг тоифалари.

Жамоат хавфсизлиги - одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тадбирлар, эвакуация қилиш, хавфли зонадан олиб чиқиш.

Муҳандислик ва техник ҳимоя - турли иншоотлар, ёки механизмларни, инжиниринг тизимларини хавфдан ҳимоя қилиш.

Тиббий ёрдам ва санитария - фавқулодда вазиятларда тиббий хизматларни ташкил қилиш, ёрдам кўрсатиш.

Маълумот тарқатиш- аҳолига фавқулодда вазиятлар ҳақида хабар бериш ва уларга қандай ҳаракат қилишни кўрсатиш.

Шундай қилиб, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими давлат, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳамкорлиги билан амалга оширилади. Унинг мақсади жонли ва жисмоний зарарни камайтириш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни сақлашдир [3].

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этган Фармонида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган.

Биринчидан, «Фавқулодда вазиятдан муҳофазаланган маҳалла» тамойили асосида фавқулодда вазиятларнинг барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш ва оқибатларини камайтириш чора-тадбирлари натижадорлигини ошириш бўйича «маҳаллабай» комплекс профилактика тадбирларини амалга ошириш;

Иккинчидан, кун сайин ривожланаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш индустриясини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича янгича ёндашувларнинг, шунингдек, уларда рўй бериши мумкин бўлган хавфларни бартараф этишнинг замонавий техника ва технологияларини жорий этиш;

Учинчидан, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида дуал таълимга асосланган ўрта бўғин ва юқори малакали профессионал кадрларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ҳамда таълим

муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш бўйича яхлит тизимни йўлга қўйиш;

Тўртинчидан, аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш самарадорлигини ошириш;

Бешинчидан, фавқулодда вазиятлар таҳдидининг олдини олиш, бартараф этиш, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида илм-фан, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторликка асосланган инновацион ишлаб чиқариш занжирини йўлга қўйиш;

Олтинчидан, фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнози, шунингдек, фавқулодда вазиятлар хавфини бартараф этишда куч ва воситаларни бошқариш, мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини рақамлаштириш соҳасига сунъий интеллект, робототехника ва замонавий технологияларни кенг жорий этиш;

Еттинчидан, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган тезкор чора-тадбирларни амалга ошириш;

Саккизинчидан, энергетика, транспорт, ҳаёт маромини таъминловчи ва бошқа муҳим иқтисодий объектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, хавфни бошқариш ҳамда техноген аварияларни бартараф этиш;

Тўққизинчидан, фавқулодда вазиятлар бўлинмаларининг такрорланувчи функцияларини мақбуллаштириш, куч ва воситалар бошқарувини мувофиқлаштириш.

Ўз навбатида «Фавқулодда вазиятдан муҳофазаланган маҳалла» тамойили асосида фавқулодда вазиятларнинг барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш ва оқибатларини камайтириш чора-тадбирлари натижадорлигини ошириш бўйича «маҳаллабай» комплекс профилактика тадбирларини амалга ошириш куйидаги механизмларни кўзда тутди:

ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, фавқулодда вазиятлар хавф манбалари, уларнинг мониторинги ва прогнозлари асосида жойларда юзага келиши мумкин бўлган реал таҳдидларни аниқлаш;

фавқулодда вазиятлар хавф манбаларининг прогнозлари асосида ҳудудлар ва объектларни таснифлаб, белгиланган мезонларга мувофиқ маҳаллаларни «қизил», «сарик», «яшил» тоифаларга ажратиш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишнинг техник-профилактик ҳамда бошқа чора-тадбирларини уларнинг таснифига кўра белгилаш;

«маҳалла етилиги», маҳалла фаоллари, кўчабоши, уйбошилар билан биргаликда аҳолини кенг жалб қилган ҳолда фавқулодда вазиятларнинг техник-профилактик тадбирларини хавф манбаи юқори бўлган хонадонларда ташкил этиб, бажарилган ишлар натижадорлигини танқидий таҳлил қилиб бориш;

техник-профилактик тадбирларни ўтказишда, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига (Ижтимоий реестрга киритилган ва кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар) асосий эътиборни қаратиб, масъул хизматларни жалб қилиш орқали мавжуд камчиликларни бартараф этиш;

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида дуал таълимга асосланган ўрта бўғин ва юқори малакали профессионал кадрларни узлуксиз тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ҳамда таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш бўйича яхлит тизимни йўлга қўйишда қуйидаги механизмларни қайд этиш мумкин:

соҳада кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини йўлга қўйиш мақсадида соҳавий ўқув муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш;

ўқув жараёнини дуал таълим тизимида ташкил этиш, симуляция, имитация ва виртуал лабораториялар (полигон)ни ташкил этиш орқали назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион ўқитиш технологияларини кенг татбиқ этиш, шу жумладан, масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш;

таълим муассасаларига юқори малакали профессор-ўқитувчилар, шунингдек, таълим жараёнига хорижий таълим, илмий-амалий ва илмий-тадқиқот муассасалари мутахассислари ва экспертларини жалб қилиш;

илғор хорижий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, кўرғазмали ва интерфаол ўқув-услубий базани шакллантириш;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш;

таълим муассасалари ва етакчи хорижий турдош илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, курсант ва тингловчиларни ўқишга ҳамда профессор-ўқитувчиларни тажриба алмашиш ва малака ошириш курсларига юбориш;

Бундан ташқари, «Маҳалла фуқаро муҳофазаси» тизими тузилмалари йиғма гуруҳларни тегишли шахсий таркиб билан амалда тўлиқ жамлаш ва уларни сақлаб туриш учун имтиёз, рағбат ва мукофотлар эга бўлишларини тарғиб қилиш, МФЙ томонидан рағбатлантириш, тақдирлаш ёки имтиёзлар қўллаш чораларини кўриш [4].

Ушбу механизмларнинг тўлиқ жорий этилиши фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланганлик даражасини кўрсатади. Фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланганлига бир нечта омиллар асос бўлиши мумкин. Жумладан:

фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган хавф манбаларининг реал ҳолатидан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирлар белгилангани;

фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлари асосида хавф таҳлилига кўра объектлар ва ҳудудлар тоифасининг таснифлангани;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда манзилли профилактика тадбирларининг ташкил этилгани ва уларнинг натижадорлиги;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида вазифага эга бўлган органларнинг ўз мажбуриятларини бажариши ҳолати;

фавқулодда вазиятлар хавфи юзага келганда ёки рўй берганда аҳолини ва кутқарув тузилмаларини хабардор қилиш тизимининг ташкил этилгани;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида аҳолини ҳамда фавқулодда вазиятлар давлат тизими субъектлари масъул раҳбар ходимларининг билим ва кўникмалари даражаси;

фавқулодда вазиятларда корхона ва ташкилотларнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун тегишли чоралар кўрилгани;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасининг илмий-техник ва инновацион таъминлангани ҳамда рақамлаштириш даражаси;

фавқулодда вазиятлар давлат тизими субъектларининг малакали мутахассислар билан жамлангани;

замонавий махсус техника ва асбоб-анжомлар билан жиҳозлангани, шунингдек, моддий-техник таъминоти ва моддий ресурслар захираси шакллантирилгани.

Юқоридагиларга асосланиб, фавқулодда вазиятлар таҳдиди, хавф манбалари, индикаторлари, эҳтимолий кўлами ва оқибатларидан келиб чиқиб, маҳаллалар «қизил», «сарик», «яшил» тоифаларга ажратилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда ҳар бир маҳаллада хавф индикаторлари асосида «маҳалла еттилиги» ҳамда соҳавий хизматларни жалб қилган ҳолда манзилли ва мавсумий профилактика тадбирлари амалга оширилиб, маҳалла фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланган ҳудудга айлантиришга имконият яратилади. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида янги стандарт, қоидалар ва илмий тадқиқотларни жорий этилиши долзарб муаммолардан бири саналади, бу эса фавқулодда вазиятлар таҳдиди ҳамда хавфини камайтиришга эришиш имконини беради.

Бундан ташқари потенциал хавfli ва аҳоли кўп тўпланадиган объектларда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиниши бўйича ваколатли органларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлик даражаси ошириш ҳамда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича соҳавий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш, шунингдек соҳага юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва экспертларни жалб этиш, фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича маҳаллий ва хорижий турдош илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш энг долзарб вазифалар бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 20 октябрдаги “Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПФ-185-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/7777239#7783641>, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.10.2025 й., 06/25/185/0956-сон.
2. И.С.Малышева, А.А.Селезнев. Правовое регулирование защиты населения и территорий от чс// Журнал: “Современные технологии обеспечения гражданской обороны и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций” – 2014, - № 4, -С. 337-340. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-zaschity-naseleniya-i-territoriy-ot-chs>.
3. А.Яхёхужаева, Н.Саидхўжаева. Замонавий шароитларда фавқулодда вазиятларда бошқариш ва режалаштириш тамойиллари ва усуллари // Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 2 | 2022 // <file:///C:/Users/Acer/Downloads/zamonaviy-sharoitlarda-fav-ulodda-vaziyatlarda-bosh-arish-va-rezhalashtirish-tamoyillari-va-usullari.pdf>
4. А.А. Турсунов, Х.Р.Раззаков. Фавқулодда вазиятлар давлат тизими фаолиятини мувофиқлаштириш тадбирлари ва уларни янада такомиллаштириш масалалари // Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 3 | 2022, <file:///C:/Users/Acer/Downloads/fav-ulodda-vaziyatlar-davlat-tizimi-faoliyatini-muvofi-lashtirish-tadbirlari-va-ularni-yanada-takomillashtirish-masalalari.pdf>.